

113/1111

У - 30 - сонли ШАРТНОМА
мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш

Тошкент ш.

2022 йил «10» январ

1. Шартнома тарафлари.

Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник тартибга солиш илмий-тадқиқот институти (Стандартлар институти) (бундан кейин “Ижрочи” деб номланади), Устав асосида фаолият юритувчи директор А.Х. Хамдамов, бир томондан ва **“Навоий кон-металлургия комбинати” Акциядорлик жамияти** (бундан кейин “Буюртмачи” деб номланади) номидан 2021 йил 29 декабрдаги 03-01-1/02/872 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи бош директорнинг ходимлар ва маъмурий масалалар буйича ўринбосари Тапаров Қурбанмурат Холмуратович, иккинчи томондан шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

2. Шартнома мазмуни.

2.1. Шартнома мазмуни 2022 йилда “Буюртмачи”нинг 127 нафар мутахассислари учун 1-иловага мувофиқ босқичма-босқич ўқитишни ташкил этиш.

2.2. Ўқув манзили: Тошкент шаҳри, Чўпон-ота 9 “В”.

3. Томонларнинг мажбуриятлари:

3.1. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари:

3.1.1. 2022 йил давомида “Буюртмачи” нинг 127 нафар мутахассисларини босқичма-босқич ўқитиш.

3.1.2. “Буюртмачи” томонидан юборилган мутахассислар ўқув курсини тугатгандан ва малака имтиҳонини муваффақиятли топширгандан сўнг, 10 календарь кун ичида белгиланган шаклдаги гувоҳнома (сертификат) берилади.

3.1.3. “Буюртмачи” мутахассисларини ўқув ва услубий адабиёт билан таъминлаш.

3.1.4. Ўқиш бошланишидан 10 календарь кун олдин 1-иловада кўрсатилган мутахассислик бўйича “Буюртмачи”га ёзма равишда хабар бериш, ўқишни бошланиш санаси ва олдиндан электрон шаклида тўлов учун ҳисоб-фактурани чиқариш.

3.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.2.1. “Буюртмачи” мутахассисларни ўқишга боришини таъминлаш.

3.2.2. “Буюртмачи” мутахассисларини ўқитиш учун тўловларни ушбу шартноманинг 4-бўлимига мувофиқ амалга ошириш.

4. Малака ошириш учун белгиланган тўлов ва ҳисоб-китоб тартиби.

4.1. “Буюртмачи” ўқув курси кийматининг 15 фоизини 10 календарь кун олдин электрон шаклида тўлов учун ҳисоб-фактурани чиқаргандан сўнг, ўқиш бошлангунга қадар “Ижрочининг” ҳисоб-рақамига ўтказиб беради, қолган 85 фоиз тўловни малака ошириш ўқув курси якунланганидан кейин, “Ижрочи” томонидан ҳисоб-фактура ва иш бажариш далолатномаси электрон шаклида, тарафлар томонидан имзоланганидан сўнг, ўттиз банк куни давомида амалга оширилади.

4.2. Ўқиш нархи “Ижрочининг” ҳисоб-китоби билан белгиланади (Илова №2,3,4,5).

4.3. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС (қўшимча қиймат солиғи)сиз **228 890 000** (икки юз йигирма саккиз миллион саккиз юз тўксон минг) сўмни ташкил этади.

4.4. Янги тарифларнинг жорий этилиши муносабати билан мазкур шартноманинг амал қилиш муддати давомида унинг миқдори ўзгариши мумкин, “Ижрочи” “Буюртмачи”га ўзгартирилган харажатлар сметасини тақдим этиш билан тасдиқланади ва қўшимча келишув тузилади.

4.5. 15 фоиз олдиндан тўлови амалга оширилгандан сўнг ўқув курсининг нархи кўтарилмайди.

5. Мулк мажбурияти.

5.1. Хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда ёки 1-иловада кўрсатилган муддатларини бузганлиги учун



“Ижрочи” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизини миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 5 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

5.2. Ўқиш 1-иловада кўрсатилган муддатларда бошланмаган ҳолларда, “Ижрочи” олдиндан тўлов суммасини 5 календарь кун ичида “Буюртмачи”га тўлиқ миқдорда қайтириб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5.3. Агарда мазкур шартноманинг 5.2.-бандига мувофиқ олдиндан тўланган харажатлар маблағлари ўз вақтида қайтарилмаса, “Ижрочи” “Буюртмачи”га ўз вақтида қайтарилмаган маблағ суммасининг 30 фоизи миқдорда жарима тўлайди, шунингдек олдиндан тўлов суммасини тўлиқ миқдорда қайтаради.

5.4. Кўрсатилган хизматлар учун тўлов ўз вақтида тўланмаган тақдирда, “Буюртмачи” “Ижрочи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов миқдорининг 0,4 фоиз миқдорда, аммо муддати ўтган тўлов суммасининг 5 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.5. Неустойкаларини тўлаш Томонларни ушбу Шартнома бўйича қабул қилинган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

6. Кўрсатилган хизматларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

6.1. Ўқишни тугатгандан сўнг, “Ижрочи” “Буюртмачи”га электрон шаклида хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги далолатномани ва тақдим этилган ўқиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-фактурани тақдим этади.

7. Форс мажор ҳолатлари.

7.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича қисман ёки бутунлай бажарилмаган ишлар бўйича жавобгарликдан озод қилинади, агар бу бажармаслик бартараф этиб бўлмайдиган кучлар, айнан: ёнғин, сув тошқини, zilзила ёки бошқа табиий офатлар, ҳукуматнинг қарорлари натижасида юзага келган бўлса, шунингдек санаб ўтилган кучлар тўғридан тўғри ушбу шартноманинг бажарилишига таъсир кўрсатган бўлса.

7.2. Бартараф этиб бўлмайдиган кучлар кириб келиши билан томонлар бу ҳақда бир бирини хабардор қиладилар.

7.3. Форс мажор ҳолатлари бошланганлигини Ўзбекистон Республикасининг ваколатли ташкилотлари тасдиқлаши керак. Бунда ушбу шартнома бўйича вазифаларни бажариш муддати бартараф этиб бўлмайдиган кучлар таъсири вақтига қадар орқага сурилади.

7.4. Агар форс-мажор ҳолатларининг давомийлиги 18 суткадан ошса, хоҳлаган томон шартномадаги мажбуриятларнинг бажарилишидан воз кечиши мумкин. Бундай ҳолатда кейинги томон эҳтимолий зарарлар учун тўлов талаб қилмайди.

7.5. Форс-мажор ҳолатларини маълум қилишда йўл қўйилган бепарволик, эътиборсизлик, маълум қилиш уч суткадан ошиқ муддатга кечиктирилган ва форс-мажор бошланган пайтдан бошлаб ўн кун давомида ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлигини билдирувчи ҳужжат тақдим этилмаган ҳолатларда томонлар ўз мажбуриятларини бажармаслик сабабини юқорида кўрсатилган ҳолатлар билан изоҳлаш, мазкур ҳолатларни далил қилиб кўрсатиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

8. Алоҳида шартлар.

8.1. Агар “Буюртмачи” томонидан юборилган ходимлар ўқишга киритилмаган бўлса, ходимни ўқитиш учун маблағлар 10 календарь кун ичида “Буюртмачи”га қайтарилади.

8.2. Ўқишга юборилган ходим узрсиз сабаблар билан (ўзлаштирмаслик ва ҳ.к.) ўқишдан четлатилганда, ходимнинг ўқиши учун тўланган маблағлар “Буюртмачи”га қайтарилмайди, узрли сабаблар билан четлатилганда эса, маблағлар 10 календарь кун ичида “Буюртмачи”га қайтарилади.

8.3. Шартнома шартлари томонларнинг келушуви билан ва фақат ёзма равишда қўшимча келишув тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

8.4. “Ижрочи” ва “Буюртмачи” ўртасида ушбу шартномадан келиб чиққан барча низолар ва келишмовчиликлар музокаралар ва талабнома орқали ҳал этилади, келишув билан ҳал этилмаган низолар, жавобгар жойлашган ердаги иқтисодий судларда ҳал этилади.

 2

9. Шартноманинг амал қилиш муддати.

9.1. Ушбу шартнома имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва 01.04.2023 йилгача амал қилади.

9.2. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккита нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга.

10. Томонларнинг реквизитлари:

“Ижрочи”

Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник тартибга солиш илмий-тадқиқот институти (Стандартлар институти)

100059 Ташкент ш., Чўпонота кўчаси, 9 «В»
Х/р 2340 2000 3001 0000 1010
ХККМ «Марказий банк» Бош бошкармаси
Молия вазирлиги Ғазначилиги
МФО 00014 ИНН 201122919
Ш/х 400 110 860 262 877 049 400 155 001
ИНН: 306 281 034 ОКЭД 84112
Тел.:(71) 253-80-81, 253-85-10, 250-01-05 (бух.)
E-mail: momsms@umail.uz, cpk_niisms@mail.ru

“Буюртмачи”

**“Навоий кон-металлургия комбинати”
Акциядорлик жамияти**

210100, Навоий ш., Навоий кўчаси, 27
Х/р: 2021 0000 5053 9837 2001
Банк: Навоий ш.
ТИФ Миллий банкининг Навоий бўлими
ИНН: 308 425 864
МФО: 00196



А.Х. Хамдамов

М.П.



К.Х. Тапаров

М.П.

Молия бўлими:

Юридик бўлим:

Илҳомов 08.01.2022

*НО ШИСОЛ-Б
(Шакароев)*

*М.О.У.
(Крайнчкова)
(Ризасов А.)*

Ижрочи: Дустанов М.А.
Тел. (79) 2277539

Handwritten signatures in blue ink at the bottom left.